



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари пойтахтимиз, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар, юртдошларимиз билан суҳбатлашдилар.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, фермерлик ҳаракатини ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган туб ислохотлар самарасида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда озиқ-овқат мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори озиқ-овқат саноатининг изчил тараққий этишида муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Халқаро конференция иштирокчилари Тошкент шаҳридаги «Gold Dried Fruits» масъулияти чекланган жамияти, «Green World» Ўзбекистон-АҚШ-Жанубий Корея, «Lazzat Karamel» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналарида бўлиб, озиқ-овқат саноати соҳасида эришилаётган ютуқлар билан танишди.

2013 йилда ташкил этилган «Gold Dried Fruits» корхонаси қурилган сабзавот маҳсулотлари ва зирворлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Юздан зиёд ишчи меҳнат қила-



Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда

ётган корхона бир кунда 120 тонна ҳосилни қайта ишлаш қувватига эга. Маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

«Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида изчил ривожланаётган мамлакат, — дейди **Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, профессор Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН (АҚШ)**. — Мамлакатимизда ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларнинг, барча соҳада қўлга киритилаётган янги-янги ютуқларнинг гувоҳи бўламан. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бу жиҳатдан Тошкентда ўтказилаётган халқаро конференция гоат муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон кўркам боғ-роғлари, ширин-шакар мевалари билан дунёга машҳур. Куёш нурига тўйинган бундай мазали меваларни бошқа ҳеч қайси мамлакатда учратмаганман».

Чет эл инвесторларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқиши тобора ошмоқда. Бунинг мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган хориз компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Пойтахтимиздаги «Green World» Ўзбекистон-АҚШ-Жанубий Корея қўшма корхонаси ана шундай муассасалардан.

Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан турли шарбатлар, мурabbo, шинни ва консерваланган тузламалар тайёрланади. Бежирим қадоқланаётган мева шарбатлари юқори сифати, хуштаъми ва табиийлиги билан ажралиб туради.

«Президент Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонда ҳар соҳа, жумладан, озиқ-овқат саноати изчил тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик, — дейди **Кордоба вилоятининг Фермерлар уюшмаси президенти, Ишбилармонлар палатаси раиси Игнасио Фернандес де МЕСА (Испания)**. — Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу мамлакатимизда бозор иқтисодиётига оид ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият, хусусан, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққийёт банки каби кўплаб йирик молия муассасалари томонидан эътироф этилишида ўз ифодасини топмоқда. Конференция иштирокчилари учун уюштирилган бизнес-учрашувлар, қатор корхоналар фаолияти билан танишув мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ҳақида бой тасаввурга эга бўлиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, улардан тайёрланаётган шарбатлар юқори сифати, хуштаъми ва табиийлиги билан хавасимизни тортди. Меваларнинг бу қадар кўплиги, турларининг хилма-хиллиги, бир-биридан мазалилиги бизни лол қолдирди. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, мавжуд муносабатларни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз».

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари орасида «Lazzat Karamel» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланаётган 30 турдаги ширинликлар истеъмолчиларга маъқул келаётди. «Lazzat Karamel» йилига тўрт минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

«Ташкилотимиз Ўзбекистон билан кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётди, — дейди **Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислам корпорацияси раисининг ўринбосари Халед Мухаммад Ал-АБУДИЙ**. — Ўзбекистондаги корхоналарнинг фаолияти йил сайин такомиллашиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. «Аса-

ка», «Asia Alliance» каби ўнга яқин банклар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Шу пайтгача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир, хусусан, Ўзбекистондаги 172 корхонани молиялаштиришга оид кўплаб қўшма лойиҳаларни амалга оширдик. Келгусида қўшма лойиҳаларимиз қамрови янада кенгайди, деган умиддаман. Мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш борасида Президент Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган ишлар тахсинга лойиқ».

Меҳмонлар Тошкентдаги «Фарҳод» деҳқон бозорида ҳам бўлдилар.

«Компаниямиз озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланади, — дейди **«OTTO Young Heung Groceries» компанияси президенти Сео Хюн СУ (Жанубий Корея)**. — Конференция доирасида пойтахтингдаги қурилган сабзавотлар, турли шарбатлар, консерваланган маҳсулотлар ва ширинликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор корхоналарда бўлиб, маҳсулот тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишдим. Ўзбекистон бозорлари ўзининг бетакор жозибаси, тўқинлиги билан довруқ қозонган. «Фарҳод» деҳқон бозоридаги файзу баракани кўриб, дилим йиради.

Қонун лойиҳаси

янада

такомиллаштирилди

➤ Фракция ййгилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

2 ➤

Сайловчи

ислохотларга бефарқ эмас

➤ Сарҳисоб

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар ва демократик янгиланишлар фуқаролар руҳиятида келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлаб, уларнинг сиёсий янгиланишларга бўлган қизиқишини оширмоқда. Шу билан бирга, бугун фуқароларнинг яқинлашиб келаётган сайловлар олдида сиёсий партиялар ва улардан сайланган вакиллар фаолиятига бўлган эътибори, қузатувчанлиги янада ортиб бормоқда. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг яқинда сайлов округларида олиб борган ишлари чоғида ҳам намоён бўлди.

Ушбу жиҳатлар куни кеча ўтказилган фракция ййгилишида ҳам эътироф этилди.

2 ➤

Молиявий интизом

маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди

➤ Семинар

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан партиянинг ҳудудий кенгашлари раҳбарлари ҳамда бухгалтерлари учун «Молиявий интизомни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

2 ➤

Электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги

таъсирчан ўқув ва мулоқотлар орқали ошади

➤ Сиёсий ўқув

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва сиёсий модернизация жараёнларининг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигига боғлиқдир. Чунки фуқаролик бурчи ва масъулияти ошса, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тереан англаса, унда элу юрт равнақида дахлдорлик туйғуси кучаяди. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотларида мунтазам равишда сиёсий ўқув ва семинарлар ўтказиб келинмоқда.

3 ➤

Баркамол авлоднинг фахрлинишга арзигулик байрами

➤ Мухаррир минбари

Куни кеча якунланган ва юқори савияда ўтган «Баркамол авлод» ўйинлари, комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қўшимча туртки вазифасини ўтади. Бунинг исботини спорт ўйинлари ўтаётган кунларда нафақат Наманган вилоятида, балки бутун республикамиз бўйлаб жисмоний тарбия ва спорт тўғралакларига аъзо бўлаётган ёшлар сонининг ортишида ҳам кўришимиз мумкин.

4 ➤



Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда

Давомий. Бошқ 1-бетда

Конференция доирасида "Green World" ва "Arktika Bottlers" корхоналари маҳсулотларини сотиб олиш бўйича яқин ҳамкорлик ўрнатиш ниятидаман.

Хорижлик меҳмонлар Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар билан танишди.

Мазкур маҳаллада ижтимоий-маданий, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари пухта ишлаб чиқилган режа, замонавий меъмورлик лойиҳалари асосида қурилган. Маҳалла гузаридида қад ростлаган супермаркет, нон цехи аҳолининг эҳтиёжларига мос фаолият

тори Ким Ки ХВАНГ (Жанубий Корея). — Бу Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида анча илгариллаб кетганидан далолатдир. Корхонамиз фермер хўжаликларига мобил телефон ёрдамида иссиқхоналарни назорат қилишга мўлжалланган технологияларни тақдим этади. Юртингизда фермерларга яратилаётган имтиёزلарни ҳисобга олсак, бу технологиянинг соҳага татбиқ этилиши мулкдорларни ахборот технологиялари билан таъминлаш имконини беради.

«Ўзбекистонда сабзавотларни қадоқлаш бўйича илгор тажриба тўпланган, — дейди **«Junction Services»** компанияси ижрочи директори **Дар ЯП хоним (Сингапур).** — Консервантлар ва кимёвий қўшимчаларсиз тузланган бод-

чиларининг бир гуруҳи Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Самарқанд туманидаги «Оҳалик олтин боғи меваси» фермер хўжалигида 680 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этилган. Бу ерда йилга 10 минг тонна мева етиштирилмоқда. 2013 йилда 3 миллион доллар миқдорда даромад олинган. Хўжалиқда етиштирилаётган меванинг 2,5 минг тоннаси қайта ишланиб, ўнга яқин мамлакатга экспорт қилинмоқда.

«Ушбу фермер хўжалигида интенсив технология асосида яратилган боғлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди **Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича уюшманинг лойиҳа раҳбари Паулина МОР хоним (Германия).** — Мевалар таъми ва хуш бўйи билан алоҳида ажралиб турибди. Экинларни томчилаб сугориш усули ҳам ўзига хос. Боғдорчиликка ихтисослашган Германиянинг кўплаб компаниялари Ўзбекистон билан мазкур йўналишда ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган барча турдаги мевалар, жумладан, қуруқ мевалар жаҳон бозорига юксак қадрланади».

2002 йилда ташкил этилган «Агромир Самарқанд» қўшма корхонаси нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатлар бозорига ҳам ўз харадорига эга. Корхонада мевасабзавотлардан консервланган маҳсулотлар, мева шарбатлари ва нектарлар ишлаб чиқарилади. Улар қатор мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

«Ушбу қўшма корхона фаолияти билан танишиб, ўзим учун катта тажриба орттирдим, — дейди **«Great Lakes Agro Energy»** компаниясининг бош технологи **Жон Марк ХАКНИ (АҚШ).** — Бу ерда илгор технологиялар ва халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган турли шарбатлар ва консерва маҳсулотларининг таъми оғзимда қолади. Мазкур корхонада ўрганганларимни, орттирган тажрибамни компаниямизда қўллаш ниятидаман. Компаниямиз мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдор».

Меҳмонлар Самарқанддаги Регистон ансамбли, Амир Темури мақбараси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий обидаларни катта қизиқиш билан томоша қилди, шаҳарда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Бобур ОБИДОВ,
Сайёра ШОЕВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎЗА махсус муҳбирлари



Электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги таъсирчан ўқув ва мулоқотлар орқали ошади

Давомий. Бошқ 1-бетда

Бугун давр олдимизга янги янги вазибаларни қўймоқда. Конституциямизнинг 21 йиллига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ ус-тувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазибаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланмоғи зарурлигини бежиз таъкидламади.

Демак, сиёсий ишларни сифат жиҳатдан кучайтириш, ўқув-семинарлар самардорлигини янада ошириш бора-сидаги ишларимизни жадаллаштиришимиз керак.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ҳамкорлигида «Сиёсий жараёнларда Ўзбекистон "Адолат" СДП позицияларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари» мавзусидаги уч кунлик ҳудудий семинар ҳам худди шу мақсадда ўтказилди. Тошкент шаҳар, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари кенгашилари фаоллари учун ўтказилган ҳудудий семинарда депутатлар, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашилари раислари, ўринбосарлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институт вакиллари иштирок этди.

Семинарда демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида «Адолат» партияси иштирокини янада кучайтириш масалалари бўйича тажриба алмашиш кўзда тутилган эди. Унда асосий эътибор партия дастурий мақсадларини амалга оширишни таъминлаш чоратadbirlarига қаратилди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров ўз сўзида тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчан бўлсагина самара бериши ҳақида тўхталар экан, бунда сиёсий технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Хусусан, у ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар моҳиятини очиб беришда ҳаётини мисолларга таянишда тadbirlar таъсирчанлиги ошишини баён қилди.

— Айниса, «Адолат» партияси илгари сураётган ғояларини афзалликларини тушунтиришда аниқ таҳлил ва жонли мулоқотлар керак бўлади, — деди у. — Бу борада партиямизда катта тажриба тўпланган. Марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари доирасида ўтказилаётган ўқувлар, очик мулоқотлар айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Tadbirlar бир-бирига ўшаб

қолмаслиги, бир-бирдан фақат мазмунан эмас, балки шаклан ҳам фарқ қилиши лозим. Бу иштирокчиларнинг нафақат тadbirlar, балки партига қизиқишини ҳам оширади. Ўйлайманки, бугунги семинар айнан шу йўналишдаги ишларимизни янада кучайтириш, илгор тажрибаларни омлаштириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иштирокчилар семинарнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, сиёсий модернизация жараёнларида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг марказий ва

халқаро андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган турли шарбатлар ва консерва маҳсулотларининг таъми оғзимда қолади. Мазкур корхонада ўрганганларимни, орттирган тажрибамни компаниямизда қўллаш ниятидаман.

Семинарда яқин тақдирларни кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зулфия Исломова.

— Дунёда ғоявий таҳдид ва ахборот хужурали кучайиб, одамлар, айниқса, ёшлар онги ҳамда қалбини эгаллаш йўлидаги кураш тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш, уларнинг таъсирчанлигини оширишни ҳаётининг ўзи талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қарасак, уч кунлик семинар қатор афзалликларга эга бўлди. Масалан, бу орқали аҳоли, хусусан, электорат вакиллари билан янада яқинроқ ишлаш тажрибасига эга бўлди. Машгулотларда таъсирчан сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш, одамлар фикрини ўрганишнинг теъор ва самарали усуллари бўйича муҳим тавсияларга эга бўлди. Биз нафақат, жамоатчилик билан ишлаш, матбуот хизмати фаолиятини янада кучайтиришга оид ма-лакамизни оширдик, балки бошқа вилоятлардан келган партиядошларимиз билан тажриба алмашидик.

Дилбар ҲАМДАМОВА,
Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Аввало, партиянинг хар бир аъзоси, электорат билан икки томонлама мулоқот ўрнатиш керак. Бунинг учун партия Сиёсий Кенгаши ҳамда вилоят кенгашиларида муҳофиза қилинган масалаларни қуйи бўғинларда ҳам тўлиқ кўриб чиқишга эришиш зарур. Уларда тарғиботчилар ҳамда экспертлар гуруҳи, депутатлар ва сиёсатшунослар иштирокида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида бажарилаётган ишлар бўйича давра суҳбатлари ўтказиб, ҳаётини мисоллар асосида муайян масалани очик муҳофиза этишни кўпроқ ташкил этиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, сиёсий ўқувлар билан бошланғич ташкилотларни қанчалки кўп қамраб олсак, фаолиятимиз шунча амалий тус олади.

Дарҳақиқат, ҳар бир сиёсий партия жамиятда мустақкам ўрин топиш, одамлар ишондини кўпроқ қозониш учун курашади. Бу жараёнда партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий онги, тафаккурини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтириш, партия позицияси ва мафқурасини кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, семинарда билдирилган тақдирларни умумлаштирилиб, келгуси фаолиятда улардан фойдаланишга келишиб олинди.

— Шунингдек, жойларда ўтказган тadbirlarимизда ёш болалар ўртасида ясси тово-ликнинг олдини олиш бўйича тақдирлар тушган эди. Ушбу



кўрсатмоқда

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида қурилаётган янги уй-жойлар лойиҳалари пишиқ ва хар томонлама қулай эканига ишонч ҳосил қилдик, — дейди **«Plantrees»** компаниясининг савдо бўйича директори **Каролин ЛАМБЕР хоним (Бельгия).** — Лойиҳада оила аъзоларининг барча эҳтиёжлари инобатга олинган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, худудда мини-маркетлар фаолияти йўлга қўйилган. Нон цехида тайёрланаётган элик турдаги нон маҳсулотларидан татиб кўрдик. Кенг, батартиб, файзли кўчалар, ҳовлиларда яшнаб турган дарактлар, гулларнинг тароватидан баҳри-дилнингиз очилади. Мамлакатингиздаги тинчлик, ободлик ва фаровонликка ҳавасим келди».

«Тошкент боғ-роғлари» масъулияти чекланган жамиятида нок, олма ва олхўри етиштирилмоқда. 50 гектарда жойлашган интенсив боғдан ўтган йили дастлабки ҳосил олинди.

«Ўзбекистон мевасабзавот ва узум етиштириш бўйича дунёнинг кўплаб давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди, — дейди **«DISYS»** компанияси бош ижрочи дирек-

нинг таъми оғзимда қолди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва текстил sanoati ривожлангани ҳақида эшитганман. Қайта ишлашнинг бунчалик юксалгани ҳақида билмас эдим. Бу ерда фаолият юри-таётган ёшларнинг гайрати, корхонадаги тозалик, санитария меъёрларини кўриб ҳайратда қолдим».

Халқаро конференция иштирокчилари Зангиота туманидаги «Master Delikatesov» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Мазкур корхона колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

«Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, бозорлардаги тўкин-сончиликка ҳавасим келди, — дейди **«Путра»** университетининг муҳандислик факультети декани, профессор **Азим бин Дато ЯХЁ (Малайзия).** — Ҳозир кўплаб давлатларда нотинчликлар, озик-овқат тақчиллиги юз бермоқда. Нарх-навони кузатиб, ўзимизники билан таққослаб кўрдик. Нархлар жуда арзон. Энг муҳими, маҳсулотларнинг барчаси экологик соф ва табиий. Бундай тўкинлик, арзончилик, мўл-кўлчиликка шўкр қилиш, унинг қадрига етиш зарур».

Халқаро анжуман иштирок-



Сарвар ЎРМООНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ, Отабек МИРСОАТОВ ва Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

